



Ислом Нури

□□□□□ □□ □□□□.

«Кимки тахорат килса, бас, уни чиройли килса хатолари унинг баданидан чикиб кетади. Хаттоки хатолари унинг (кўл-оёқларини ювганида) тирнокларидан чикиб кетади». Муслим ривояти.

Мана булар тахорат одобларидан:

1. Тахоратни «Бисмиллах» билан бошлаш. Абу Довуд Абу Хурайрадан келтирган ривоятда расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам шундай мархамат килганлар:

«□□□□ □□□ □□□□ «□□□□□□ □□□□ □□□ □□□□ □□ □□□ □□□□ □□.

«Бисмиллах демаган кишининг тахорати (тўла) тахорат эмас» Абу Довуд ривояти.

2. Тахорат асносида шошмаслик ва калбнинг хозир бўлиши. Чунки тахоратдаги сокинлик ва хушуъ намоздаги хушуънинг мукаддимасидир.

3. Хар сафарги тахоратда мисвок ишлатиш, чунки у огизни поклайди ва парвардигорни рози килади.

□□ □□□□» :□□□□ □□□□ □□□□ □□□□ □□□ □□□□□□ □□ □□□ □□□□ □□□ □□□□□□ □□□□ □□□□ □□□□□□□□ □□□□□□□□ □□□□ □□□ □□□□.

Абу Хурайрадан ривоят килинади, пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Умматимга огир килиб кўймаганимда, уларни хар бир тахоратда мисвокка буюрган бўлардим» Бухорий ривояти.



Ислом Нури

Абу Хурайра айтадилар: Халилим соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Зийнат-такинчок муъминнинг тахорат суви етган еригача етади» Муслим ривояти. Изох: бу холат Киёмат куни бўлади.

8. Бармок ораларига, тўпик оркасига, умуман барча тахорат аъзоларига сувни яхшилаб етказиш.

«... у:... .»... «...».

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади, пайгамбар соллаллоху алайхи ва саллам бир кишининг оёгида тирнокчалик сув тегмаган жойни кўриб қолдилар ва унга: «Кайт, тахоратингни яхшилаб қил», - дедилар. Абу Довуд ва Насоий ривоятлари.

9. Тахоратни қилиб бўлиб пайгамбар соллаллоху алайхи ва салламдан ворид бўлган ушбу дуони ўқиш:

«...» :... «...» :... «...»

Умар розияллоху анхудан ривоят қилинади, расулуллох соллаллоху алайхи ва саллам дедилар: «Сизлардан бирингиз тахорат оладиган бўлса ва тахоратини чиройли қилса, тахоратни қилиб бўлгач ушбу дуони ўқиса: «Гувохлик бераман албатта Аллохдан ўзга ҳақ маъбуд йўқ, унинг шериги йўқ ёлғиздир. Ва яна гувохлик бераман албатта Мухаммад унинг бандаси ва элчиси. Эй парвардигор, мени тавба



Ислом Нури

килувчилардан килгин ва мени покланувчилардан кил!», у учун жаннатнинг саккиз эшиги очилади, у улардан хохлаганидан киради» Термизий ривояти.

10. Хар бир тахоратдан кейин агар суннат намознинг вакти бўлмаса, икки ракаат нафл намоз ўқиш мустахаб.

«Тахоратдан кейин агар суннат намознинг вакти бўлмаса, икки ракаат нафл намоз ўқиш мустахаб» : Тахоратдан кейин агар суннат намознинг вакти бўлмаса, икки ракаат нафл намоз ўқиш мустахаб. Тахоратдан кейин агар суннат намознинг вакти бўлмаса, икки ракаат нафл намоз ўқиш мустахаб.

Укба ибн Омир розияллоху анхудан ривоят килинади, росулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам дедилар: «Бирор киши тахорат олса ва у тахоратни чиройли килса кейин юзи ва калби билан юзланиб икки ракаат намоз ўқиса, унга жаннат вожиб бўлади» Муслим ва Абу Довуд ривоятлари.

11. Сувни тежаб ишлатиш, хожатдан ортик сувни куймаслик ва аъзоларни уч мартадан кўп ювмаслик.

Амр ибн Шуайб бобосидан ривоят килган хадисда росулуллох соллаллоху алайҳи ва саллам хузурларига бир аъробий келиб, тахорат хакида савол килди. Ул зот аъзоларни уч мартадан ювиб кўрсатиб бердилар. Кейин: «Мана шу комил тахорат, ким бунга зиёда килса ёмон иш килибди — ёки хаддан ошибди ёки зулм килибди—», - дедилар. Ибн Можа ва Абу Довуд ривоятлари.

12. Доимо тахоратда бўлиш, чунки тахорат муъминнинг рухий куроли, у муъминнинг калбидан ёмонликлар, гафлатни хайдади, гунох ва харом ишлардан саклайди. Шунингдек у намоз ва куръон тиловати



Ислом Нури

Тахорат одоблари | 7

учун тайёр туради.

Анас розияллоху анхудан ривоят қилинади: «Агар доимо тахоратли бўлишга қодир бўлсанг, шундай қилгил».

Абу Закарийя ал Маданий тайёрлади